






22 март – Бутунжаҳон сув ресурслари куни



Хар томчиси азиз

Маълумотларга кўра, Ер шарининг 71 фоизи сув билан қопланган бўлса-да, унинг атиги 2 фоизи истеъмолга яроқли.

Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 1993 йилдан буюн 22 март — “Бутунжаҳон сув ресурслари куни” сифатида нишонлаб келинмоқда.

Таъкидландики, келгусида дунё аҳолиси ўсиб бориши ва саноатнинг жадал тараққий этиши тудайли сув ресурсларига бўлган

эҳтиёж янада ошади. Бу эса уларни муҳофаза қилиш ҳамда фойдаланиш борасида масъулиятни юксалтириш, жаҳон ҳамжамияти олдиға ишлаб чиқаришга инновацион ишланмаларни татбиқ этиш вазифасини кўймоқда.

Тадбирда барқарор тараққиёт учун муҳим аҳамият касб этувчи биохэитдан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини, сув ресурсларини комплекс бошқаришнинг қонунчилик базасини мустақамлаш, сувнинг озик-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги ўрни ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Шу билан бирга, давра суҳбатига, сувдан оқилона фойдаланишда давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва илм-фан муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Иштирокчилар томонидан ушбу йўналишдаги ишлар самардорлигини ошириш бўйича амалий тақлифлар берилиб, атроф-муҳитда юз бераётган ўзгаришлар шароитида кишлоқ ҳўжалиги, саноат ва бошқа эҳтиёллар учун сув ресурсларини унумли ишлатиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

У. ДИЛШОДОВ.

Ўзбекистон Республикаси Давлат ва Хўжалик Бошқаруви Органлари, Вазирлик ҳамда идоралар, Маҳаллий ҳокимликлар, Компаниялар, Барча таълим муассасалари, ташкилотлар ва кўшма корxonалар раҳбарлари диққатига!

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ-ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ

2015/2016 ўқув йилида бакалаврият таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларнинг интеллектуал салоҳиятидан унумли фойдаланиш ва уларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш учун ишга тақсимлаш жараёни давом этаятганлиги тўғрисида хабар қилади.

Тошкент автомобиль-йўллар институтининг 2015/2016 ўқув йили битирувчилари тўғрисида маълумот

(Г – давлат гранти асосида, Ш – тўлов-шартнома асосида)

BAKALAVPIAT table with columns for subject areas like Transport Engineering, Business, and various technical disciplines. It shows the number of students in each category across different regions.

MAGISTRATURA table with columns for subject areas like Automobiles, Business Administration, and various technical disciplines. It shows the number of students in each category across different regions.

ЭЪЛОНЛАР advertisement for property services.

ЎЗБЕКЭНЕРГО АЖ advertisement for electricity services.

REALTOR GARANT BUSINESS MЧЖ

Real estate advertisement for REALTOR GARANT BUSINESS MЧЖ, detailing services and contact information.

KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI MЧЖ

Real estate advertisement for KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI MЧЖ, detailing services and contact information.

KOP TARMOQI KO'SHMAS MULK SAVDO MЧЖ

Real estate advertisement for KOP TARMOQI KO'SHMAS MULK SAVDO MЧЖ, detailing services and contact information.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2016 йил 16 мартда тасдиқланган реестр

Table of electricity tariff rates for different power capacities and consumer categories, approved by the Ministry of Finance.

CAPITAL REALTOR GROUP MЧЖ

Real estate advertisement for CAPITAL REALTOR GROUP MЧЖ, detailing services and contact information.

Халқ сўзи ЭЪЛОНЛАР advertisement for real estate services.

# КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

Мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб Ўзбекистонимизни тараққий этган давлатлар қаторига олиб чиқиш йўлида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётимизда рўй бераётган янгиликлар, аввало, инсон манфаатларига хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир. Бу ҳақда Президентимиз мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида ҳам алоҳида тўхталиб ўтди.

## КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ

Юртимиз истиқболлини белгилаб берган ушбу маъруза жамоатчилик томонидан кўтаринчилик билан кутиб олинди. Бу бежиз эмас. Зеро, ўтаётган йиллар, тарих қатига муҳрланган даврларнинг давомида "Биз шу юрт, шу Ватан равнақига қандай ҳисса қўшдик?" деган дилдаги саволларга жавоб топдик, десак, асло муболага эмас.

Биргина таълим тизимига қаратилаётган юксак эътибор, унинг истиқболли учун амалга оширилаётган чора-тадбирлар, йирик лойиҳалар ўзининг улкан миқёси, сарфланган ва сарфланиши кўзда тутилган маблағлар ҳажми, умуман, тизимдаги оламшумул ишлар нафақат фахр-ифтихор бағишлайди, балки ғайрат-шижоат кўрсатиб меҳнат қилишга ундайди.

"Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури республикамизда таълим ислохотларининг, илм-фан

тараққийнинг мустаҳкам пойдевори айланди.

Айтиш жоизки, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳаётга татбиқ этишдан мақсад таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ҳамда ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратилган иборат. Ундаги мақсад ва вазифаларни тадрижий, яъни босқичма-босқич рўйбга чиқариш кўзда тутилди. Биринчи босқични 4 йил давомида (1997 — 2001), иккинчи босқични 2001 — 2005 йилларда, учинчи босқични эса 2005 йилдан кейинги йилларда амалга ошириш белгилаб берилди.

"Биз шошилмасдан, асосий мақсаддан оғишмай, изчиллик

билан Миллий дастурни амалга оширишимиз лозим. Шундагина у умумий маданиятни юксалтиришга, фарзандларимизнинг жамиятда ўз муносиб ўрнини топишга хизмат қилади. Уларнинг касбий ва таълимий дастурларини онгли равишда танлаш ва эгаллашлари учун ҳуқуқий меъёрларни, ташкилий руҳий педагогик шарт-шароитларни таъминлашга қўмаклашади. Йигит-қизларимизни жамият, давлат, оила олдида ўз масъулиятини чуқур англаб етувчи шахслар этиб тарбиялашга замин бўлиб хизмат қилади", дея Миллий дастурнинг мақсад ва моҳиятини тушунтириб берган эди Президентимиз.

Дастурнинг бугунги амалий натижаларига эътибор қаратадиган бўлсак, қисқа фурсатда мамлакатимиз таълим-тарбия тизимининг такомиллашиб, унинг мазмуни миллийлашиб бораётганига гувоҳ бўламиз. Эски 11 йил-

лик умумий таълим тизимидан воз кечиблиб, 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизимига ўтилди. Умумтаълим дастурлари ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим тизими дастурлари билан ўзаро уйғунлашиб, узлуксиз таълим тизимини ўзида ифода этади.

Ёшларимиз умумтаълим мактабидидаги 9 йиллик ўқшудан сўнг ўз хоши-иродаси ва интилишларига қараб, 3 йил давомида академик лицей ва касб-хунар коллежларида тахсил олишади. Буларни тугатганлар эса олий ўқув муассасаларига киришда бир хил ҳуқуқларга эга бўлади.

2012 йил 16-17 февраль кунлари Тошкентда ўтказилган "Юксак билим ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт"и мавзусидаги халқаро конференцияда 40 дан зиёд давлатлардан ташиф буюрган вакиллар Ўзбекистоннинг ёш авлод таълим-тарбияси борасида тўплаган тажрибаси ҳар томонлама андоза олишга аргивулик эканини эътироф этишди. Буни халқаро бизнес мактабларидан бири "ИНСЕАД" томонидан 2012 йилда инсон капиталининг тараққий даражаси бўйича ўтказилган тадқиқот

натижаларига кўра, Ўзбекистон 141 мамлакат орасида 53-ўринни, таълим мақсадлари учун ажратиладиган маблағлар бўйича эса дунёда бешинчи ўринни эгаллагани ҳам яна бир қарра тасдиқлади.

Албатта, бундай эътироф ҳар бир юртдошимизни чексиз қувонтиради. Аммо бунга ўз-ўзидан эришилдими?

Жаҳонда бўлаётган айрим иқтисодий, сиёсий ва маънавий таназзулнинг таъсирига қарамасдан, юртимизда таълим-тарбия соҳасига ҳар йили сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотга нисбатан 10 — 12 фоизни ташкил этмоқда. Бу ЮНЕСКОнинг мамлакатни барқарор ривожлантириши таъминлаш учун таълимга йўналтирилиши зарур бўлган инвестициялар миқдори бўйича тегишли тавсияларидан, яъни 6-7 фоиздан қарийб 2 баробар кўпдир. Очиги, бир вақтлар буну ҳаёлимизга ҳам келтира олмаганмиз. Бугун эса республикамизнинг барча ҳудудда барпо этилаётган мактаблар, лицей ва коллежлар, олий таълим муассасаларини қўриб ҳайратга тушасан, киши. Яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, фаннинг нозик чўққиларини, хорижий тилларни, касб-хунарларни пухта эгаллаб, Ватанимизга муносиб бўлиб

миллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони таълим соҳаси ходимлари салоҳиятини ошириш жараёнини яхшилашда шунчалик долзарбдир.

2015 йил яқунларига бағишланган мажлисида жорий йилда 13 та олий таълим муассасаси, жумладан, Қорақалпоғистон, Бухоро, Самарқанд давлат университетлари, Фарғона политехника институтидидаги курилиш ва реконструкция ишларига 355 миллиард сўм ажратиш кўзда тутилганлиги, шунингдек, Тошкент давлат стоматология институти бинолари, Тошкент шаҳридаги Инха университети ва Сингапур менежментни ривожлантириш институти филиалларининг янги ўқув бинолари курилиши таъкидланди. Қолаверса, сўнгги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасида салмоқли ишлар амалга оширилганлигини кўриш мумкин. Жумладан, олий таълим муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар самараси ўлароқ, уларда жами 6 250 нафар талаба сиғимига эга бўлган 11 янги объект курилди, фойдаланишга топширилди, 43 399 нафар талаба сиғирархбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада тако-

- Буларнинг барчаси ёш авлодга кўрсатилаётган беқиёс ғамхўрлик ифодасидир. Зеро, фарзандларимиз камоллини қўриш, уларнинг ҳеч кимдан кам бўлмасдан билим олиши, хунар эгаллаши, пировардида ҳаётда муносиб ўрин эгаллашларини таъминлаш ислохотлардан кўзланган улғувор мақсад сифатида янада кадрлидир.

**Норбой КАРИМОВ,**  
иқтисод фанлари доктори.

Реклама ўрнида

**UZBEKNEFTEGAZ**

## «Ўзбекнефтгаз»

Миллий холдинг компанияси жамоаси

*Ватандошларимизни баҳорнинг фурсункор байрами —*  
**Наврўз**  
*билан самимий тадриклайди!*

Жорий йилда Шарқ тақвими бўйича янги кун қириб келишини Соғлом она ва бола йили билан уйғунликда кутиб олаётганимиз теран рамзий маънога эга. Наврўз — янгилик ва яшариш, эзгу орзу-умидлар, янги ҳаёт юзага келишини ифодаловчи умумхалқ байрамидир. Наврўзи олам муносибати қарийб сизларга тинчлик, фаровонлик, мамлакатимиз тараққийини таъминлаш йўлидаги фидокорона ишларингизга муваффақиятлар ёр бўлаверишини тилаб қоламиз!

**O'ZSANOATQURILISHBANK**

*Сизни она-табиат уйғонишининг рамзи бўлмиш қадимий байрам —*  
**Наврўзи олам**  
*билан муборакбод этамиз!*

**Оилангизга тинчлик-омонлик, бахт-саодат, файзу барака тилаймиз!**

**Эзгу орзу-ниятларимиз ушалсин, бетакрор Ўзбекистонимиз янада обод ва фаровон бўлсин!**

Хизматлар лицензияланган.

**Вақт давомида синалган ишонч!**  
[www.uzpsb.uz](http://www.uzpsb.uz)

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 367. 142 348 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона (0-371) 233-52-55;  
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Тахририятга келган қўлабмақал тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.  
Навбатчи — О. Файзиев.  
Мусаҳҳиҳ — Ш. Маишраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.15 Топширилди — 21.50 1 2 3 4 5 6